# КУЗ — СЕВГИМНИ БИТГАН ХАТИМСАН

Берди РАҲМАТ



* * *

Куз келса боғларда япроқ тўкилур,
Тўкилмасин десанг-да кўпроқ тўкилур.
Бир пайтлар ям-яшил япроқ эдим мен,
Қани у яшиллик? — сўроқ тўкилур.
Наҳотки баҳорим кузга айланди,
Айрилиқ тўкилур, фироқ тўкилур.
Умр — дарё дерлар, тинимсиз оқар,
Гар тинса, устига қирғоқ тўкилур.
Ё Раббим, бир яшил япроғингман мен,
Тўкилсам, устимга тупроқ тўкилур...

### ЮР, ТОҒЛАРГА КЕТАМИЗ...

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси*
*Шукур Холмирзаев хотирасига*

Бир кун юксак тоғлардан
Бир оғир тош кўчдими.
Кузги боғлар оралаб
Ғам қушлари учдими.
Хазонлар боғларгамас,
Юракларга тушдими.
Ушбу ёруғ оламдан
Биз ҳам бир кун ўтамиз.
Оғажон, бошинг кўтар,
Юр, тоғларга кетамиз.
Оғажон, қара ахир,
Дўрмонда боғинг қолди.
Унда қанча баҳоринг,
Гуллаган чоғинг қолди.
Бугун сен нега жимсан,
Юракда доғинг қолди.
Ушбу ёруғ оламдан
Биз ҳам бир кун ўтамиз.
Оғажон, бошинг кўтар,
Юр, тоғларга кетамиз.

Энди сен тинч ухлагин
Ойбек ётган тупроқда.
Тошкент томонга қараб,
Бойсун йиғлар йироқда.
Бу дунё қувончидан
Аламлари кўпроқ-да.
Ушбу ёруғ оламдан
Биз ҳам бир кун ўтамиз.
Оғажон, бошинг кўтар,
Юр, тоғларга кетамиз.

Йўл юрсанг бу оламда,
Йўл чиқар, йўлдош чиқар.
Яхшиларга қўл узатсанг,
Кўл чиқар, кўлдош чиқар.
Ҳали тонглар отар,
Ҳар куни қуёш чиқар.
Ушбу ёруғ оламдан
Биз ҳам бир кун ўтамиз.
Оғажон, бошинг кўтар,
Юр, тоғларга кетамиз.

Ахир ўзинг айтардинг,
Бу жойларда нима бор.
Тоғлар сенинг — дил дардинг,
У жойларда оппоқ қор.
Ким ҳам айта олади,
Қаерда мангу баҳор?
Ушбу ёруғ оламдан
Биз ҳам бир кун ўтамиз.
Оғажон, бошинг кўтар,
Юр, тоғларга кетамиз.

Бир кун сенинг бошингга
Тоғларнинг ўзи келди.
Боғбонимга не бўлди деб,
Боғларнинг ўзи келди,
Умрингнинг бунча эрта
Хазонли кузи келди.
Ушбу ёруғ оламдан
Биз ҳам бир кун ўтамиз,
Оғажон бошинг кўтар,
Юр, тоғларга кетамиз.

* * *

Нақадар тинч осуда оқшом,
Дунё ўхшар қадимий ғорга.
Умрим менинг — ёнаётган шам,
Аён фақат Парвардигорга.

Ғор ичида ёлғиз бир ўзим
Ва бир дафтар юрак тўрида.
Варақлайман тикканча кўзим
Ёнаётган шамнинг нурида.

### КУЗ

Куз, менинг онамсан —
сочлари оппоқ —
Онамсан — ҳассага суяниб қолган.
Куз, менинг отамсан оламдан ўтган.
Уни энди тупроқ бағрига олган.

Сен менинг ўт ичра ёшлик пайтларим
Илк севгимни ёниб битган хатимсан.
Армондан сарғайиб кетган байтларим,
Хазонга айланган муҳаббатимсан.

Сен умрим қўшиғи, борлигим — борим,
Ўтган баҳорларим, ўтган ёзимсан.
Сен менинг бошимга ёққан оқ қорим,
Сиёҳлар тўкилган оқ қоғозимсан.

# МУҲАББАТ ҚАСРИНИ ИЗЛАДИМ...

Адиба ҲАМРО



### ШЕЪРИМ

Сукунатнинг соҳир шивирин туйиб,
Бахтни суйиб, азоб-армондан куйиб,
Бўғзимга қадалган изтироб нолам —
Шеърим!

Қудуқ тубидаги қамишдек нолиб,
Юрагим — сиёҳдон ғамларга тўлиб,
Хизмати-чун боши чопилган қалам —
Шеърим!

Муҳаббат қасрини изладим сарсон,
Азалий ишқ дарди айлади қурбон.
Жон чекдим, ёғдудан яшарди Олам —
Шеърим!

Дилчироғим, тунлар аллалар айтдим,
Номингни чақирдим, тонгда уйғотдим.
Сен эса югурдинг далага, эркам —
Шеърим!

Самога айланди бу мўъжаз хонам,
Тилимга жон ато этган сўз — онам!
Онасин гапига кирмаган болам —
Болам, болагинам, болажон —
Шеърим!

* * *

Дарахтлар шовуллар гўёки денгиз,
Руҳим — қуш, сузмоққа
чоғланган оққуш.
Нопармон осмонда учаман ёлғиз,
Тушларимга кирар жасур Сиёвуш.

Уфқнинг суратини чизди кўзларим,
Хаёллар элтдилар узоқ-узоққа.
Денгиз шамоллари мени суйдилар,
Мен эса кўз тикдим олис шафаққа...

Осмоним, уйғонгил, муждалар келтир,
Майли, бўрон бўлсин,
қорларни ёғдир.
Қушдек учиб бориб, бағрингдан қучай,
Эркнинг ҳавосига кўксимни тўлдир!

* * *

Мен кўнгил сўровдим...
Қорайди булут,
Кўз ёшларин
Заминга тўкиб.

Мен кўнгил сўровдим,
Музлади сукут.
Қорлар эриб кетди,
Тоғлар кўкариб.

Мен кўнгил сўровдим,
Боқди жилмайиб,
Юлдузлар жон олар,
Кўзларин очиб.

Мен кўнгил сўровдим,
Муҳаббат ийиб,
Бахтнинг қўйлагини
Тикди энтикиб.

Мен кўнгил сўровдим,
Ногаҳон сендан.
Мендек кўнглинг ётибди
Кўксингга ботиб...

### ОЛЧА

Йиғламоқда олча дарахти,
Қон оқмоқда кўзларидан
Ёна ва ёна.

Заминга тўкилмас нечун?
Тугилди ҳасрати
Дил — шода.

Баландроқ шохини ушладим,
Бошин эгиб берди дарахт
Оҳиста.

Аччиқ ҳасрат териб қувондим,
Унинг ҳам қовоғи очилди
Аста.

* * *

Уятчанг келинчак мисол
Бошин эгар олча дарахти.
Хаёл сурар, индамайди у,
Ўғриларга таланган каби.

Бўй етмаса, чиқиб шохига
Синдиришган тик қоматини.
Бировларнинг гуноҳи учун
Таъзим қилар эгиб бошини.

* * *

*О...га*

Оҳи бор оҳимсан, чечагим,
Хаёлларим — ширин хотира.
Фақат сенинг ёдинг-ла ҳаёт,
Умидли кунларим — бокира.

Биз танишдик Тайлон[1] бўйида,
Тил топишди юракларимиз.
Муҳаббатнинг висол тўйида,
Учрашдилар тилакларимиз.

Баҳор бўлиб кулгандим шунда,
Меҳр каби тўлгандим шунда.
Кўксингда ниш отиб гул каби,
Райҳон, майса бўлгандим шунда.

Ариқдаги сувлар мавжланиб,
Бизга қўшиқ тўқир эдилар.
Сўзимиздан маст-беҳол бўлиб,
Ҳавас билан боқур эдилар...

Гулгун фасл севги қасрига
Чироқ ёқди бахт қуёшидан.
Биз ўлмаймиз. Кўнгил асрига
Нома битдик ишқ оташидан!

Оҳи бор оҳимсан, чечагим,
Хаёлларим — ширин хотира...
Фақат сенинг ёдинг-ла ҳаёт,
Умидли кунларим бокира.

1 Тайлон — ариқнинг номи.

ҲИКОЯ

# БОЗОР

Анвар ШУКУРОВ



Ичкарига кирдим-да, алоҳида боқилаётган тўртта қўчқорчани орқа оёғидан ушлаб, бирин-кетин машинага солдим. Отам уйқусираб қилаётган секин ҳаракатимдан кўнгли тўлмай бир-икки марта «Шамни ушла, ўзим олиб чиқаман», «Жунидан тортма, қонталаш бўлиб қолади», «Томоғидан бўғма, ҳаром ўлдирасан», дея мени сергаклантириб турди.

Осмон зим-зиё бўлишига қарамай бозор гавжум. Тўрттала қўчқорчани бирбирига боғлаган ҳолда мен олдидан тортиб, отам орқасидан ҳайдаб келаётган эдик, бир одам отамни тўхтатиб гапга тутиб қолди.

— Сен боравер, орқангдан етиб бораман, — деди отам.

Қўйлар учун чек олиб бозорга кирдим. Бу ерда бегонани қоронғуда ҳам билиб олишади. Бир-икки киши мени ўраб олиб, «Нима дейсиз?», «Қанча дейсиз?» дея саволга тута бошладилар.

— Эгаси мен эмасман, ҳозир келади, савдолашаверасизлар! — дедим.

Шу пайт томоқ қириб отам етиб келди. Боягилар отам билан сўрашиб, «Моллар сизникими, Йўлдош ака?» дея, ҳеч нарса демай кетиб қолишди.

— Харидорга бундай муомала қилма, қўполлик қилаётганингни эшитиб қолдим. Шу ердан жилмай тур, мен бир айланиб келайин-чи.

— Неча пул дейин? — сўрадим овозимни баландлатиб.

— Шошмай тур қани.

Қоронғуда одамларнинг гаплари қулоққа чалинади:

— Вой, қўлингиз бундай иссиққина, юраги тоза одам экансиз, кафтингиз ҳароратидан сезиб турибман. Нима дейсиз? Икки юз, э, қўйсангиз-чи 110 га бердингизми?

Донишмандлардан бири иш битириш учун одамларнинг кўриниб турган яхши томонини топиб, мақтагин деган экан. Бу ернинг даллоллари эса, кези келганда кўринмайдиган жойингизни ҳам топиб мақташади.

Бир қарироқ даллол ёш йигитчанинг жигини топиш учун роса уринаяпти.

— Ў, йигит, сен фалончини ўғли эмасмисан?

— Йўқ, у одамни танимайман.

— Сеники ўзи қаердан?

— Сўраманг, меники бошқа тумандан, — бўш келмайди йигитча ҳам.

— Шу қўйингни сотиш учун келганмисан?

— 300 дан ками йўқ дедим-ку.

— Қайтариб олиб кетмоқчимисан қишлоғингга, яна харажатга тушиб?

— Шундай сўяман-да, қассобга олиб бораман, агар 50 кило юк қилмаса, мана кўрасиз.

— Ў-ў-ў, бу ёққа қара! Бу киши сотиш учун олаётгани йўқ, худойи қиламан деб ният қилганлар, савобга қоласан, кел, шуни 150 сўмга бердингми?

— Йўқ.

– Қўлингни буёққа бер, 160 сўм бўладими?

– Йўқ. Бўлмайди.

– Одам деган пақир-пастак, бева-бечорага қанотини пасайтириб муомала қилади, 170 га бердингми?

— Бу амри маъруфингизни жумада айтасиз, бу ерни эса бозор — «шайтоннинг мачити» деб қўйибдилар, 295 га ҳам бермайман.

— Э, ўзинг ёш бўлсанг ҳам, иззатни билмас экансан...

Бир даллол ўрисми ёки татар боланинг ҳўкизини сотиб олиш учун зўр бераяпти:

— Эй, ука, 600 сўм қилсак шу бузоқчангни, нима дейсан?

— Отам уришади. У мотоцикл олиб бермоқчи эди, ўрнига ҳўкиз берди. Энди ҳўкизни сотиб мотоцикл оламан.

— 600 сўмга иккита мотоцикл беради!

— Йўқ, у мотоциклнинг бир оёғи 600 туради.

— Бу нима деганинг?

— «Ява» олмоқчиман. Давлат нархи 1250 сўм, шапкасига яна 100 қўшасиз, шуни берсангиз, я согласен.

— Нима деяпсан, 1350 сўмга бундай ҳўкиздан иккита беради.

— Кеча заготскотга бордим, живой вес 620 кило чиқаяпти, зарезатга отам қўймаяпти, менга ҳам жалко, шунинг учун бозорга чиқдим.

— Минг сўм қилдик, бўладими?

— Йўқ, отам уришади.

Даллол метис боланинг «Тарозига торттирдим» деганига ишонди шекилли:

— Ў, жиян, бу ёққа қара, мотоциклнинг шапка-папкаси деган гапингни қуй, сен бола шапкасини берадиганга ўхшамайсан, сендан биров шапкасини оламан ҳам демайди. Шу мотоциклни нархини берамиз, 1250 сўм, бўладими?

— Ну, бобой, қўймадингизқўймадингиз-да, лекин ипини бермайман.

— Нимага энди?

— Отам уришади.

— Э, отангни илигига сени! Саттор, бир ип топ энди.

«Ў, уккағар, Қулмурод даллолни созлади», деган пичир-пичирлар қулоғимга чалинди.

Тонг ёриша бошлади, энди кўнглим ҳам бироз очилиб, атрофни кузата бошладим. Отам ҳам келиб қолди.

— Йўлдаш ака, нима дейсиз, қўчқорларни сотамизми? — деб сўради бир даллол отамдан.

— Сотамиз.

— Қанча дейсиз?

— Икки юз эллик дейман, қолганини сўрайверасиз.

Икки юз эллик! Менимча, бу нарх жуда қиммат эди. Ушлаб турган қўчқорларимдан каттароғини 160 га сотишаяпти, энди ҳеч ким яқинлашмаса кераг-ов.

Айтганимдай даллоллар ҳам, савдогарлар ҳам нархни эшитиб индамай кетардилар. Отамнинг эски таниши бўлса керак, бир даллол чол келиб: «Жўлдош, шуларингни 150 дан бер», — деди.

— Қосим ака, мени қўй боқишимни биласиз. Курмаги терилган арпа ейди бу жониворлар. Буларнинг жасадига қараманг, баданини ушлаб кўринг. 30 килодан кам юки йўқ буларнинг.

— 170 га берасанми? — сўради даллол, қўйларнинг баданини ушлаб кўраркан.

— Йўқ, кам айтяпсиз.

Чол индамай бурилиб кетди. 170 сўмга рози бўлиш керак эди. Энди биров яқинлашмаса керак.

Бозор сийраклашиб қолди. Қуёш ҳам кўкка ўрлаб, ердан буғ кўтарила бошлади. Мен отамга «Энди бўлди, сотолмаймиз», дедим ва қўйларни қайтариб олиб кетиш азобини ўйлаб, бош оғриғим зўрайди.

— Ўғлим, олиб сотарлар кетиб бўлди, энди ҳақиқий мол оладиганлар қолди, — деди отам.

Бояги бобо бир одамни етаклаб келди ва уни шу ерда қолдириб, ўзи индамай кетди. Бу одамнинг бошқа тумандан-лиги бошининг чўзинчоқлигидан маълум эди.

У қўйларнинг баданини ушлаб кўриб:

— 170 дан беринг, — деди.

— 200 дан ками йўқ. Мен ҳам яхши одам эканлигингизни кўриб, бирдан элликка тушдим, бvictoria бродар, — деди отам.

— 175 дан бўлдими?

— Мен сизга айтайинми? Ўзингиз қассобга ўхшайсиз.

— Ҳа, қассобхонамиз бор.

— Қўйни баданини кўрдингиз, 220 қилишди, у одамларнинг ранги ёқмагани учун сотмадим. Сиз барака топишингизга шубҳаланманг — 200 ҳам эмас, 190 дан олинг, майли.

— 180 дан.

— Ҳаммамиз ҳам бола-чақа деб юрибмиз. Ўн сўмга оғринманг.

— 185 дан бўлдими?

— Э, олинг-э.

Назаримда, қўйлар баланд нархда сотилди. Харидор пул санай бошлади. Даллол чол ҳам қаердандир етиб келди.

— Нима бўлди, Жўлдош?

— Қосим ака, сўзингизни қайтара олмаслигимни билиб, яна сўрайсиз-а.

— Мен бу кишига таърифингни айтдим... Бу қўчқорлардан барака топасиз, рози бўлинг. Жўлдош, бизди ҳақти кимдан оламиз?

— Биздан-да, Қосим ака.

Отам меҳмон берган пулни санаб бўлгач, беш сўмини даллолга узатди.

Даллол ният қилди. Ҳаммамиз «розимиз» деб омин қилдик.

— Э, қойил-э, — дедим машинага ўтираётиб отамга, — менга қолса 150 дан ҳам сотиб юборардим.

— Э, ўғлим, молни жасади эмас, гап сотади. Ҳали биронта киши менинг молимни олиб ютқазгани йўқ. Биласан-ку, Фармон қассобнинг гапини. Бу ҳам, ҳеч бўлмаса, калла-пойча, терисидан фойда кўради...



# БУЛБУЛ ҚАЙТГАН КУН

Қатра

Қишлоқда тонг отди. Осмону фалакни эгаллаган юлдузлар ҳам сўнди. Бобом намозни ўқидилар-да, худди бир нарса ёдларига тушгандай ташқарига отилдилар. Мен ҳам орқаларидан чопдим.

— Бобо, қаёққа? — дедим шошиб.

— Кетдик, кетдик, — дедилар бобом, — қара, булбул сайраяпти.

— Булбул?

— Ҳа, болам, боғимизда булбул сайраяпти. О, жонивор-ей, охири кепсанда-а?

— Булбул нима ўзи? — дедим ҳайратим ошиб.



Бобом шашт билан мен томонга ўгирилдилар, қўлимдан ушлаб, ҳовлимиз ўртасидан ўтган катта ариқ ёнига экилган мажнунтолга термулдилар. Сўнг қулоқларини динг қилганча туриб қолдилар.

— Ана эшит, сайраяпти, — дедилар бутун борлиқлари қулоққа айланиб, — оҳ, оҳ, мунча офатижон-а! Сайра, булбулим, сайра!

Сўнг бобом менинг қўлимдан тутиб, дарвозамиз ёнидаги ариқ устига қурилган шийпон каравотга бошлаб чиқдилар-да, ёғоч курсига ўтирдилар. Узоқ-узоқлардан тонг ёришиб келар, кўк ўпган тоғнинг қил учидан эса шафақ нурлари кўтариларди.

Яна дақиқалар ўтиб, ғилдиракдек қуёш кўк сари интилди. Сал пастда эса Қорасув шовуллаб қўшиқ айтади. Маҳалламиз кўчаларини тўлдириб қир томон пода жилди. Қўйчивонларнинг «ҳей, ҳей», деган овозлари эшитилади.

Бобом эса борлиқни мутлақо унутиб, мажнунтолга термулдилар. Оппоқ соқоллари силкиниб, буришиб қолган юз-кўзлари янада баттарроқ тортилди.

— Эшитяпсанми? — дейдилар бобом мени туртиб.

— Нимани?

— Ие, сен менинг набираммисан?

— Бўлмасам-чи?

— Ундай бўлса, наҳот булбул овозини эшитмаётган бўлсанг?

Мен иштиёқ билан булбул овозини тинглаётган бобомга боқдим. Булбул эса чўзиб-чўзиб сайради. Унинг майин ва ширали овози бутун олам шовқинларини ҳам ютиб юборгандай эди. Шундагина мен бобомни тушунгандай бўламан, бўйинларидан қучаман. Бобомдан аллақандай ис уфуради. Туришлари ҳам бошқача. Бобом гўё кўкка парвоз қилаётган бургутни эслатадилар.

— Булбул, эҳ менинг булбулчам, кепсанда-а? Э яшавор, сайра, ҳа, тинмай сайра, — дедилар бобом. Сўнг, бирдан елкалари учди, кўзларидан ёш қуйилди. Мен бўлса оппоқ соқоллари оша ерга думалаётган ёшларини қўлим билан артдим.

— Эҳ, болам-а, бу қуш анчадан бери ҳовлимизга келмасди.

— Нега келмасди? — дедим шошиб.

— Даданг...

— Нима, дадам қайтадиларми?

Бобом бир гапни нотўғри айтиб қўйгандай, юзларимга термулдилар-да, бағриларига босдилар.

— Кечир мени, болам, бу дадангнинг булбули эди. У сайраса даданг туни билан ухламасди. Ҳатто булбулга атаб шеърлар ҳам битганди. Ёдингдами, уни иккимиз ёд олгандик.

**Баҳор гулларига маҳлиё булбул,**
**Бедор кутар эди саҳарни, тонгни...**

Уёғи эсимда йўқ. Балки сен биларсан? — дедилар бобом бошимни силаб. Мен дадам ёзган шеърларнинг кўпини ёд олгандим. Аммо бобом айтган шеърнинг давоми ёдимга келмади. Бирдан эслаб қолдим:

**Сув каби оқади беғараз кўнгил,**
**Мени уйғотарди чалганча бонгни.**

Шеърни ўқидим-у, бобомнинг тиззасига бош қўйганча йиғлаб юбордим.

— Ие, — дедилар бобом паҳмоқ сочларимни силаб, — бу нимаси?

— Наҳотки шу булбул дадамники бўлса? — дедим бобом кўзларига боқиб. Бобом хаёлга толдилар. Сўнг қандайдир мунг билан сўз бошладилар.

— Ҳа болам, даданг бедана, каклик, булбулу майна, керак бўлса қир қўйнида жавлон урган жўрни ҳам яхши кўрарди. Баҳор келиши билан қушларга ин қурар, дон сепиб юрарди. Афсус, даданг фронтга кетди-ю, қушлар ҳам боғимизни тарк этишди. Йўқ, биз ҳам бинойидек қарадик, оч қўймадик.

— Нега? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Билмадим, балки қушлар дадангга ўрганиб қолишганидандир... Э, тўхта, бугун жумами?

— Ҳа, — дедим мен.

— Демак, худди шу куни дадангдан қора хат келувди. Ё тавба! Булбул ҳам дадангни ёд олиб келган шекилли.

Бобом булбул куйига маҳлиё туриб қолди. Аммо кўзларидан жала-жала ёш оқарди. Ўша куни булбул тонггача сайради. Эрталаб уйғондим-у, мажнунтол сари чопдим. Бобом ҳали ҳам шийпон каравотига солинган кўрпача устида ўтирар, булбул эса кетиб бўлганди.

Оташ ХОЛМИРЗАЕВ



Зомин тоғлари...

Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

*Тадқиқот, ахборот*

# МУҚИМИЙ ВА ЗАВҚИЙНИНГ ЯНГИ ТОПИЛГАН ШЕЪРЛАРИ

XIX аср иккинчи ярмидаги ўзбек адабиёти намояндалари асарларини халқ орасида тарқатиш ва тарғиб этишда қўлёзма баёзларнинг алоҳида ўрни бор. Вақтли матбуот бўлмаган ва нашр-матбаа ишлари ҳали яхши йўлга қўйилмаган бир шароитда бундай баёзлар Шарқ мумтоз адабиётининг энг йирик вакиллари-ю замонавий шоирларнинг янги яратилган машҳур асарларини ҳам ўз ичига олган ўзига хос антология сифатида адабиёт ихлосмандларининг эътиборини қозонар эди. Муҳий, Муқимий, Фурқат, Завқий каби забардаст шоирларимизнинг ўнлаб машҳур асарлари айни шу қўлёзма баёзлар орқали бизгача етиб келган. Республикамизнинг мўътабар қўлёзма хазиналарида мазкур ноёб адабий манбаларнинг кўплаб нусхалари авайлаб сақланмоқда. Шу билан бирга, айрим кишиларнинг шахсий кутубхоналарида ҳам шундай ноёб қўлёзмалар мавжудлиги қувонарли ҳолдир.

Яқинда биз Қўқон шаҳрининг Завқийобод кўчасида (Завқий яшаган кўча), истиқомат қилувчи Масъуджон ака Мусажонов шахсий кутубхонасида сақланаётган бир қўлёзма баёз билан танишдик. Мазкур баёз 292 варақ(584 саҳифа)дан иборат бўлиб, ҳафтранг юпқа фабрика қоғозига чиройли настаълиқ хатида қора сиёҳ билан китобат қилинган. Айрим палеографик белгиларига кўра, қўлёзма тахминан XIX аср охирларида Қўқонда кўчирилган. Баёзда Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Соиб, Саййидо, Жомий, Машраб, Ҳувайдо, Низомий Хўқандий, Амирий, Фазлий, Ғозий, Муҳйи, Муқимий, Фурқат, Завқий, Муҳаййир, Насриддин ва бошқа шоирлар асарларидан намуналар берилган. Бизнинг эътиборимизни тортган нарса шу бўлдики, баёзда Муқимий ва Завқийнинг кўпчиликка яхши таниш ўнлаб машҳур шеърлари қаторида ҳозиргача бошқа манбаларда учрамаган бир неча шеъри ҳам мавжуд экан. Муқимийнинг лирик мазмундаги «Уччаланг» радифли ҳамда ҳазил-мутойиба руҳидаги «Отим» радифли шеърлари, Завқийнинг Ғозий ғазалига мухаммаси фикримизга мисол бўла олади.

Муқимийнинг 1960 йили нашр этилган икки томлик асарлар тўпламида отга бағишланган бир неча юмористик шеър бор. «Ҳажви от», «Бу отингиз», «Ўлсун бу от», «Дар сифати асби Тожи тилгрофчи...» шеърлари шулар жумласидандир. Биз аниқлаган шеърлар бу туркумни янада бойитади, деб ўйлаймиз.

Завқий ижодининг илк босқичида Муқимий, Фурқат, Муҳсиний билан шерикликда Ғозийнинг бир машҳур ғазалига мухаммас боғлаганлиги маълум. Ушбу қўлёзма баёздаги мухаммаси эса шоир ижодий изланишларининг намунаси сифатида қадрлидир.

Ушбу баёздан фойдаланишга имкон берганлари учун Масъуджон ака Мусажоновга самимий миннатдорлик билдирган ҳолда, ҳар икки шоиримизнинг шеърларини эътиборингизга ҳавола этмокдамиз.

Шеърлар илк маротаба эълон қилинмоқда.

**Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг докторант-тадқиқотчиси**

**МУҚИМИЙ**

## ҒАЗАЛЛАР

**Қай маҳал кўрсамки, келгайсан хиромон уччаланг,**
**Айлабон мардумни рафторингга ҳайрон уччаланг.**

**Воқеан, халқ иштибоҳ айлаб дегай ўтсанг шитоб,**
**«Ўттиму, оё, парилар ёки инсон уччаланг?».**

**Зор кўнглумға келур бирга юрарга аҳд этиб,**
**Ким, кўтардилар магар аввалда Қуръон уччаланг.**

**Йўлларингни устида токайғача қолмак қараб,**
**Бир куни ҳужрамға бўлсанглар-чи меҳмон уччаланг.**

**Жилва айлаб, боғда гул рухсори олинг рашкидин,**
**Қон ютуб бўлсун кўриб чоки гирибон, уччаланг.**

**Эрта-кеч юрсанг агар лойиқ, муносиб қўл тутуб,**
**Хўб ярошурсан, бали, ҳамсолу ақрон уччаланг.**

**Назмими ноғаҳ, Муқимий, бошидин бир ҳарф олиб,**
**Ўқусанг отинг чиқур албатта осон, уччаланг.**

* * *

**Кўнглида бўлса агар ҳар муддаоси бор отим,**
**Эшитинг, мингбоши, сизга айлагай изҳор отим.**

**Арриғ, аччиққа чидолмай ер тефуб мисли ўрус,**
**Муслим эрди, бўлди келгач қавмидин куффор отим.**

**Кўчадин ўтган йўловчидин хижолат тортаман,**
**Кишнағай ким ўтса, ўт келдиму деб, беор отим.**

**Бир тутам йўнғучқа келтургай, саҳар тўймай анга,**
**Рўза тутгай шул билан, шом айлагай ифтор отим.**

**«Тўймадим ему хашакка, мунда кетмаймиз», — деюб,**
**Нўхтани ташлаб келиб қоши билан имлор отим.**

**«Сиз зиёфатда, ман — оч, қандоғ мусулмонлиғ?» — дебон,**
**Олдига борганда қилғай таъна бисёр отим.**

**Жонивор аҳволини айди Муқимий ноилож,**
**Арз қилиб додхоҳга (охир) айлади безор отим.**

* * *

**Во дариғо, бир нафасда хомталош ўлган отим,**
**Хайриятким, камбағалларга маош ўлган отим.**

**От бўлуб тишлаб-тефарни, билмаган жангу жидол,**
**Боғласанг ҳар ерга ҳам (ким кўб) ювош ўлган отим.**

**«Гар семурсам, — дер эди, — қишда улоқларға чопай»,**
**Мақсадиға етмайин бечора ёш ўлган отим.**

**Чашми ҳосид тегдиму, оё, бўлуб мундоғ касал,**
**Ему ўт олсам, емай бенону ош ўлган отим.**

**Жонивар қалбиға боқиб, яъсдин ғамлар ютуб,**
**Тинмайин оқиб кўзидин (қанча) ёш, ўлган отим.**

**Шиддатидин дарду ҳасрат охирида лол ўлуб,**
**Мижжа қоқмай гўйиё девору тош ўлган отим.**

**Гарчиким келган балоларга, Муқимий, бўлди дафъ,**
**Топсам эрди мислини минбаъд кош, ўлган отим.**

**ЗАВҚИЙ**

## ҒОЗИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

**Эй гул, си[т]амингдин айлай оғоз,**
**Махфий эди кўнглум ичра чўх роз,**
**Гулчеҳра парилар ичра мумтоз,**
**Эй, ҳурлиқойи ишвапардоз,**
**Бошдин аёғинг карашмаю ноз.**

**Жон садқа эрур жафоларингдин,**
**Дил банда эрур вафоларингдин,**
**Ағёра ниҳон имоларингдин,**
**Кечмак ишинг ошноларингдин,**
**Бегоналара рафиқу дамсоз.**

**Хў қилди кўнгил оғиб кетарға,**
**Васлинг сариға жадал етарға,**
**Мужғон қаламим рақам битарға,**
**Зикри ғаминг элга фош этарға,**
**Хуноби сиришким ўлди ғаммоз.**

**Расм ўлди санга жафо юрузмак,**
**Ушшоқ ила аҳдларни бузмак,**
**Ағёринга ваъдаларни тузмак,**
**Ўлдурмака нутқ ила турузмак,**
**Исойи лабингға бўлди эъжоз.**

**Дарду аламинг эмас саноғлу,**
**Ҳасрат била кўзларим қаноғлу,**
**Лола каби кўксум ўлди доғлу,**
**Роҳат қабуси юзимға боғлу,**
**Меҳнат эшиги ҳамишадур боз.**

**Фурқат майидин вужуд суюлғай,**
**Паймонаи жоми ғамда тўлғай,**
**Лаълинг аламида ошиқ ўлғай,**
**Эй моҳваш, айласанг на бўлғай**
**Бир бўса ила мани сарафроз?**

**Арзим мани қосиди сабоға,**
**Еткурса дуомни дилрабоға,**
**Лутф айласа Завқийи гадоға,**
**Ғозийи ҳазину бенавоға,**
**Чўхдур ситами, тараҳҳуми — оз.**

**ИЗОҲЛАР:** ***Ҳамсол*** *— тенгдош;* ***ақрон*** *— яқин маъносида;* ***яъс*** *— умидсизлик;* ***оғоз*** *— бошлаш;* ***дамсоз*** *— дўст, энг яхши суҳбатдош;* ***хў*** *— одат;* ***ғаммоз*** *— сир очувчи, чақимчи;* ***қабу*** *— дарвоза;* ***боз*** *— очиқ;* ***сарафроз*** *— хурсанд;* ***қосид*** *— элчи, чопар.*

**Комил АВАЗ**

# АВАЗ ЎТАР ЧИТОЙИНИ МАСХАРАЛАГАНМИ?

Ҳасанмурод қори Лаффасий ўзининг «Тазкираи шуаро» китобида Аваз Ўтар ҳақида сўз юритиб, «Ҳар бир байти бир дарёйи уммон бўлуб, илм ғаввослари ондин лаъл-жавоҳир, дурлар териб, ҳосил қилур эрдилар», дейди. Айёмий (Юнус Юсупов) эса «1908 йилдаёқ шоирнинг асарлари жамланиб, 2 та девон тартиб берилган», деб ёзади (Аваз, "Сайланма"). Дарҳақиқат, ўзбек адабиётининг забардаст вакилларидан бўлмиш Аваз Ўтар ўттиз беш йил умр кўрди (1884-1919). Ана шу ўттиз беш йиллик умри мобайнида ҳаёт завқини ҳам кўрди, беадад зулмини ҳам тортди. Зеро, у йигирма тўрт ёшида иккита девон тартиб бериб, беҳад шод бўлди. Бироқ хон ҳукми билан аввал 200 қамчи урилиб, «жинни»га чиқарилди ва ўлимидан икки йил бурун иккинчи марта 150 қамчи еб, дунё кўзига тор кўринди.

Лаффасий шундай ёзади: Аваз Ўтар «дер эдики, қай вақт бўлурки, Хоразм фуқаролари ушбу Хива хонлиғининг зулм-ситамкор, жафокор, қонхўр вузаро-умароларининг темир чангалларидин халослиғ топиб, озодлик майдонида шодон яшаб юрарлар деб... Аммо бу воқеалар махфий агентлар орқали Феруз Муҳаммад Раҳимхонга эшитилиб, шул сабабли Авазни Феруз ҳузуриға чақириб, икки юз қамчи урдургандин Аваз жинни бўлгандур деб, Аваznинг оёғига темир кишанлар солдириб, Хива диний машойихларининг хонақосига юбориладур». Лаффасийнинг ёзишича, икки юз қамчи урилгандан кейин хонақоҳ «муддати қирқ кун бўлиб, қамчиликларнинг (қамчиларнинг демоқчи — **К.А.**) захми баданларидин бир неча таҳфинат топиб, кейин машойихнинг рухсати бирлан Аваз қайтиб, Феруз Муҳаммад Раҳимхон хизматига келиб, аввалги мартабасида хизматда қилиб, Ферузнинг фармони билан Аваз тахаллус қилиб, Ферузга қўшимча шеърлар машқ қилиб, турлик абёт-ҳажвлар ёзиб турадур».

Айёмийнинг Аваз сайланмасига ёзган сўзбошисида бу воқеа 1909 йили рўй берган, деб кўрсатилади. Ажабланарли томони шундаки, муаллифларнинг бири хон саройида «аввалги мартабасида хизматда» деса, иккинчиси: «Шоир хон зулмига қарши кайфиятдаги кишилар билан яқиндан алоқа қила бошлайди», деб ёзади. Бу янглиғ мубҳам қарашлар олимлар тадқиқотидан кейин ойдинлашса ажаб эмас.

Ушбу мақоламизда биз фақат айрим мулоҳазаларимиз билан фикрлашмоқчимиз. Ҳасанмурод қори Лаффасий тазкирасини 1946 йили ёзиб тугаллаган. У киши Аваз Ўтар билан замондош, боз устига, адабиёт муҳиби сифатида кўрган-билганларини қоғозга туширган бўлиши керак. Айёмий домла ҳам эскидан саводли, Хоразм адабий муҳити билимдони, Аваз Ўтар ҳаёти ва ижодини яхши ўрганган. Шу боис, у кишининг фикрларига ҳам эътирозимиз йўқ. Бироқ Айёмий давр муҳитини ҳисобга олмаганида, Ваҳоб Раҳмонов билан тайёрлаган шоир асарларининг сайланмаси чоп этилмаслиги мумкин эди. Барибир домла сайланмага ёзган сўзбошисида шоирни анчайин демократлаштириб, унинг айнан эшону муллаларни, шайху уламоларни ҳажв этган шеърларини кўпроқ тилга олади.

Хоразмда «читойи» деган гўзал ибора бор. Бу ибора ўзига оро бериб юрадиган покдомон, озода инсонларга нисбатан айтилади. Бундай одамлар кўнглига ўтирмаган, бефаросат кимсалар билан бир дастурхонда ўтиришдан тортинадилар, биров билан саломлашгач, қўлларини қайтадан ювмагунча нонга қўл узатмайдилар. Улар устидан ошкора кулиш одобдан эмас. Шунинг учун ҳам, ҳажвчилар ундайларнинг ҳамда айрим эшону муллаларнинг номини кўрсатмай, умумий тарзда шеърлар битишган. Аваз Ўтар ҳам «Фалон» деб бошланувчи бир неча шеър битган. Айёмий "Сайланма"га ёзган сўзбошисида шу шеърлардан бирини келтирган:

**Фалон аҳмоқки, бергуси**
**ҳамиша ўзига оро,**
**Ҳамоноким олиб олдига**
**бир кўзгу нисо осо.**
**Ғубори йўлидин ўтар чоғида**
**гар тегса либосига**
**Ювар они зиёда бўлғуча**
**собунни нархи то.**
**Агар онинг ҳар асбобига**
**ғайрини қўли тегса,**
**Ажабким, сўнгра они олмагуси**
**илгига асло.**

«Бу одам сарой созандаларидан Муҳаммад Ёқуб Позачидир, — деб ёзади Айёмий. — Шундай нақл қиладиларки, Муҳаммад Ёқубга тўсатдан жулдур кийимли бир одам йўлиқиб қолса, у дарҳол бу одамдан юз ўгириб турар ва у то ўтиб кетгунча қарамас экан. Шоир Матёқуб Позачи образи билан мешчан табақаларнинг мазлум халққа ҳақорат кўзи билан қараганликларини фош этади.»

Аввало, шоирнинг ушбу ҳажвиясида Матёқуб Позачи номига ишора йўқ. Қолаверса, Аваз Ўтар саройдами, элатдами — кимнидир такаббурлиги учун ёқтирмай қолган бўлиши мумкин, лекин читойи одамлар устидан бу қадар қаҳрли кулганига ишониш қийин.

Айёмий домла Аваз Ўтар "Сайланма"-сини нашрга тайёрлашда хаттотлар йўл қўйган хатоларга етарли даражада эътибор қаратмаган кўринади. Зеро *«Ғубори йўлидин ўтар чоғида гар тегса либосига Ювар они зиёда бўлғуча собунни нархи то»* деган байтдан маънони илғаб олиш мушкул. Бу байтни «Фалон аҳмоқ» чанг йўлдан ўтганида либосига гард тегиб, уни кўп юваверганидан совун танқислиги содир бўлди ва оқибатда совуннинг нархи қимматлашиб кетди, деб тушунадиган бўлсак, унда кейинги сатр: *«Ғуборли йўлдан ўтар чоғида гард тегса либосиға»* тарзида бўлмоғи керак эди.

Аваз Ўтарнинг машҳур «Тил» ғазалига мухаммас боғлашда ҳам шундай ғализликларга дуч келиб, қийналганим рост. Ниҳоят, ғазалнинг ўша ғализ байтини мумтоз адабиётимиз билимдони Абдулла Аҳмедовга кўрсатдим.

**Ғайри тилини сайъ қилинг**
**билгали ёшлар,**
**Ким илму ҳунарлар билонки**
**ондин аёндур.**

Абдулла ака кулимсираб:

— Бу байтнинг иккинчи сатридаги сўзлар «билонки ондин» эмас, «паланги ондин» — плани, режаси ундан аён, демоқчи шоир. Хоразмда мўлжалланган пахта режаси бажарилганда, "пахта паланги бажарилди", дейишади. Баъзи олимлар «паланг»ни — шер, йўлбарс, деб изоҳламоқчи бўлишади. Ахир, бизда «п» билан «н» ҳарфи ўртасида «а» ишлатилади, — деди ва сатрни тузатиб ўқиди: — «Ким илму ҳунарлар паланги ондин аёндур». Сеҳрли овоз соҳиби ҳофизимиз Комилжон Отаниёзов ушбу байтни тўғри тараннум этиб, қўшиқ яратган.

Хуллас, шундан кейин Аваз Ўтар ғазалига ушбу мухаммасни боғладим:

*Ваҳ-ваҳ бу замон тил билгана ганжифишондур,*
*Саводи басар илми зиёсиз паришондур,*
*Ҳар неки илм аввали ихлосу инондур,*
*Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,*
*Тил воситаи робитаи оламиёндур.*

*Кўргайки неча ранжу хушолиғни бу бошлар,*
*Фарзандки оқил ўзини юртига бағишлар,*
*Боққай сиза ҳам зайли замон, эй, қалам қошлар,*
*Ғайри тилини сайъ қилинг билгали ёшлар,*
*Ким илму ҳунарлар паланги ондин аёндур.*

*Йўқ малҳами дил тенгсиз сулув она тилидек,*
*Бўлмаски сира дилроз қилув она тилидек,*
*Олам аро йўқдур киши ўз тили якто, лек,*
*Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,*
*Билмакни они ғайрат этинг фоида кондур.*

*Қилғай имтиҳон турфа замон ҳар бирингизни,*
*Этай десангиз бахри кушойиш дилингизни,*
*Дастур этингиз Руму Фаранг, ё Англизни,*
*Илму фан уйига юборинглар болангизни,*
*Онда ўқуғонлар бари яктойи замондур.*

*Комил Авазам кўп оҳи тил билмай Аваздек,*
*Тор ўлди илм сабоғи тил билмай Аваздек,*
*Беҳаддурур иштибоҳи тил билмай Аваздек,*
*Зор ўлмасун онлар доғи тил билмай Аваздек,*
*Тил билмаганидин они бағри тўла қондур.*

*Журналларни варақлаганда...*

**«Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 2005 йил 5-сони нашрдан чиқди.**



Журналнинг ушбу сонида адабиётшуносликнинг муҳим масалаларига бағишланган бир неча мақола эълон қилинган. Тадқиқотчилардан Ш.Ҳасанов мақоласида истиқлол даврида яратилган достонлар таҳлил этилган бўлса, У.Жўрақуловнинг мақоласида модернизм адабиётига хос талқинлар борасида сўз юритилади. «Маҳбуб ул-қулуб»да анъана ва ўзига хослик» мақоласида навоийшунос Қ.Эргашев улуғ адибимиз қаламига мансуб бу асарнинг янгилик жиҳатларини, Навоийнинг ижодкор сифатидаги новаторлиги, бетакрорлигини тадқиқ этишга интилган. «Қутлуғ қон» романидаги Абдушукур образи «адибнинг жадидчиликка бўлган муносабатини ўрганиш учун етарли имконият беради», деб ёзади А.Тўйчиев «Қутлуғ қон» романида тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин» мақоласида. Т.Мирзаев ва М.Жўраевнинг «Ўзбек халқ насри тадқиқотчиси» мақоласи фолклоршунос олим Комил Имомовнинг илмий фаолиятига бағишланган.

У.Раҳимов, Д.Набиева ва Ж.Элтазаров тадқиқотлари тилшуносликнинг долзарб масалалари ҳақида.

«Муҳокама. Мунозара» рукнида берилган М.Сафаровнинг «Тилшуносликдаги бир баҳсли қараш ҳақида» мақоласида таниқли олим Эргаш Умаров тадқиқотларидаги «бир қадар чекиниш, хусусий нарсалардан умумий хулосалар чиқаришга уриниш» хусусида мунозара юритилган. Э.Умаровнинг ўз тадқиқотлари юзасидан билдирилган танқидий фикрларга жавобини ҳам журналнинг шу сонида ўқийсиз.

Мумтоз адабиётимиз масалаларига ҳамда адабиётшуносликнинг муҳим мавзуларига бағишланган илмий ахборотлар орасида С.Ғаниеванинг «Навоий ва Яҳё Себак», И.Адизованинг «Увайсий ижодида фард», М.Ражабованинг «Наср ул-лаолий»нинг яратилиши ва унинг қўлёзма манбалари», А.Бектошнинг «Маноқиби Шайх Нажмиддин Кубро» тўғрисида» сингари тадқиқотларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

«Мерос» рукнида «Олтин ўрик» асарининг давомини ўқийсиз.

*Акс-садо*

# ЛУҒАТНИ ВАРАҚЛАБ ТУРАСИЗМИ?

## Ёхуд яна имло ҳақида

Яқинда бир ҳамкасбим мендан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг шу йилги 43-сонини топиб беришимни илтимос қилди. Мен кўп йиллардан бери бу газетага обуна бўлиб келаман. Ҳамкасбимга дарҳол газетанинг сўралган сонини топиб бердим. Сир эмас, бу газетада кейинги пайтларда ниҳоятда долзарб муаммолар кўтарилаяпти, ўқувчилар қалбига етиб борадиган мақолаларни эълон қилаяпти.

Ана шундай мақолалардан бири, шубҳасиз, «Она тилим зарварақлари» сарлавҳали мақола. Унда тилимизга оид муаммолар ўз ечимини кутаётгани очиқ-ойдин ўртага ташланган. Қолаверса, саводхонлик масаласи, имло қоидаларига риоя қилмаслик, ёзувдаги пала-партишликлар тилга олинган. Мақола муаллифи Бойбўта Дўстқораевнинг «Наҳотки, бир сўзнинг тўғри ёзилишини аниқлаш учун луғат кўриш ёки билган кишидан сўраб олиш қийин бўлса?!» деган фикрларни қабул қилишимиз зарурга ўхшайди. Негаки, кейинги пайтда, оддий фуқарони қўя турайлик, айрим оммавий ахборот воситаларида ҳам бирор-бир сўзнинг тўғри ёзилишини аниқлашга эътибор бермаслик оқибатида юзага келаётган имловий хатолар кишини ташвишга солади.

Маълумки, «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» тўғрисидаги қарор 1956 йил 4 апрелда қабул қилинган эди. Ўшандан бери ўтган давр мобайнида мазкур қарорга ўзгартириш ёки қўшимча киритилган эмас. Шундай экан, кириллча ёзувда бу қарор талабларига бугун ҳам амал қилишимиз шарт. Зеро, қонун устуворлиги шуни тақозо этади.

Тўғри, «Тилга эътибор — элга эътибор» рукнида жуда кўп мақолалар эълон қилинади. Уларда кўтарилган ниҳоятда муҳим муаммолар газетхонлар ҳукмига ҳавола этилади, холос. Олимлар, ижодкорлар ёзаверадилар, ҳаёт эса ўз маромида давом этаверади. Амалиётчилар, умуман, ёзувчизувга алоқадор одамлар ўз билганича иш юритаверишади.

«Ҳуштакни ким чалади?» сарлавҳали мақолада ёзилганидай, «тилимизни бузаётганлар, эфир ҳавосини айнитаётганлар ва бу билан маънавиятимизга, ёшлар тарбиясига жиддий зарар етказаётганларга нисбатан» жарима усулини қўллаш вақти келмадимикан? Ҳар ҳолда, агар аҳвол бугунги кундагидай давом этаверса, Бойбўта Дўстқораев қанчалар куюниб: «биз гўзал сўзларимиз, оҳорли ибораларимиз, пурмаъно гапларимиз билан фахрланиб юрайлик» демасин, тилимизга нисбатан лоқайдлик бизни таъқиб этаверади.

А.Мелибоевнинг «Тил, имло ва талаффуз қоидалари билан боғлиқ савод машғулотлари бугун, бошқаларни қўя турайлик, ўзимизга зарур бўлиб қолди», деган гапида жон бор. Негаки, амалда «университет» сўзидан олдин келадиган «давлат» сўзи кичик ҳарф билан ёзилмоқда. Ваҳоланки, «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари»нинг 70-парагрфида институтларнинг номлари қандай ёзилиши кераклиги аниқ кўрсатиб қўйилган ва мисол келтирилган: «Самарқанд Давлат университети». Демоқчиманки, давлат хизматидаги мансабдор шахслар вақт-вақти билан имло қоидаларини эсга олиб туришса, фойдадан холи бўлмайди. Тўғри, 1995 йили қабул қилинган лотин ёзувига асосланган имло қоидаларимизга кўра, «давлат» сўзи кичик ёзилади. Бу талаб янги имло қоидамизга тегишли.

Ривожланган жаҳон тилларининг деярли барчасида бир хил ёки ўзаро яқин талаффуз этиладиган, ёзиладиган сўзлардан юз ўгиришга ҳаракат қилиб, араб ва форс сўзларини тилимизга тиқиштиришга ҳаракат қилдик ҳамда буни тил софлиги учун кураш, деб тушундик. Оқибатда «дорулфунун», «куллиёт» ва бошқа шунга ўхшаш сўзларни қўллашга уриндик. Аммо вақт бундай уринишларнинг самарасиз эканини исботлади. Лекин энди бошқа томонга оғиш сезилаётир. Кейинги пайтларда телевидение кўрсатувларида шева сўзлари бўлар-бўлмасга ишлатилмоқда. Адабий тил меъёрлари, талаффуз қоидаларига амал қилинмаётир. Ахир, режиссёрларимиз адабий тил қонун-қоидаларидан бехабар бўлишмаса керак?! Ёки тил қоидаларини атайин менсимайдиган санъаткорлар кўпайиб кетдими? Талаффузига эътибор бермайдиган санъаткорлар орасида эл назарига тушиб улгурган, бинойидай ижодкорларнинг ҳам борлигига ачинасан киши. Ҳар ҳолда ўзбек адабий тилининг софлигини сақлаш, уни авайлабасраш, кейинги авлодларга тилимизнинг оҳорини тўкмаган ҳолда етказиш ҳар бир зиёлининг, ҳар бир ижодкорнинг бурчи. Тўғри, шева ҳам керак. Унинг тилимиз хазинасидан муносиб ўрин олиши бор гап. Аммо шева сўзларини ўрни келса-келмаса ишлатавериш кишининг ғашига тегади ва охир-оқибат адабий тил ўзининг ягоналигини йўқотиши ҳеч гапмас. Марказий телевидение қатори вилоят телевидениелари ҳам кўрсатувларида ўз шеваларини устувор билиб шу алфозда иш олиб бораверса, аста-секин умуммиллий тилнинг табақаланиши муқаррар. Назаримизда, бу муаммо устида жиддий ўйлаб кўрилса фойдадан холи бўлмайди.

**Жумабой ЮСУПОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

*Китобингизни ўқидим*

# КЕЧИККАН ЭЪТИРОФ

Дорилфунундаги дарсларимни тамомлаб уйимга қайтаётган эдим. Катта йўлнинг муюлишида икки бола машинамга қўл кўтариб қолишди. Беихтиёр тормозни босдим. Болалар бир манзилга олиб бориб қўйишимни сўрашди, йўлим усти учун уларни чиқариб олдим. Болаларнинг ўз ёшларига нисбатан анча жиддийлиги диққатимни тортди. «Хўш, нима иш билан кетаяпсизлар, тинчликми?» деб сўрадим улардан. «Бобомиз вафот этдилар, фотиҳасида ўтириш учун боряпмиз», деб жавоб қилишди болалар. Мен уларга ҳамдардлик билдирган бўлдим ва боболарининг кимлигини суриштирдим. Эвоҳ, карангки, вафот этган одам — факултетимизда таҳсил олган ҳаваскор шоир, ажойиб инсон Сиддиқхўжа Умаров бўлиб чиқди. Қаранг, ўз шогирдларимиздан бирининг вафоти ҳақидаги хабар менга шу йўсинда етди...

Сиддиқхўжа Умаровни кўпчилик танирди, десам муболаға бўлмас. Юзларидан доим нурли табассум аримайдиган бу йигит жуда улфат, ҳазил-мутойибага уста, давраларнинг гули эди. У хийла дароз эди, шу боисдан унинг тўйида:

**Сиддиқ хўжа Шоший дерлар,**
**Булутларда боши дерлар, —**

деган ҳазил шеър битиб ўқиганим ёдимда.

Сиддиқхўжа Умаров университетнинг журналистика факултетини тамомлагандан сўнг газета ва журналларда ўз мақолалари, шеърлари билан қатнашиб юрди. Кейинроқ эса у маънавий-ахлоқий мавзуларда маърузa ўқувчи ажойиб нотиқ сифатида ҳам танилди. Аммо Сиддиқхўжанинг севган машғулоти — шеърият эди. Бир кўрганимда шеърларидан бир тўплам тузганлигини ва анча қийинчилик билан нашр эттирганлигини менга айтган эди. Мана, унинг ўша китоби қўлимга энди етиб келди. Шоирнинг фарзандлари менга шу китобдан совға қилишаркан, «Падари бузрукворимизнинг васиятлари бўйича дафн маросимига келганларнинг барчасига мана шу китобларини тарқатдик», дейишди.

Китобдаги аксарият шеърларнинг мавзуи инсон, унинг ҳаётдаги ўрни, меҳр-оқибат, яхшилик ва эзгуликдир. У бошқа шоирлар сингари онани мадҳ этувчи шеър ҳам ёзган. Шоир инсонга ҳаёт бағишловчи зотни қуйидагича улуғлайди:

**Она меҳри булоғдир,**
**Қайнаб тошар басма-бас.**
**Она меҳри чароғдир,**
**Порлаб ёнар, тугамас.**
**Она меҳри қуёшга**
**Ўхшашлиги тўғридир.**
**Уни кўтаринг бошга,**
**Она — зиё, она — нур.**

Тўпламга кирган «Иғвогар», «Таннозга», «Эрка қиз, совчинг қани?» каби шеърлар ҳажвий тарзда бўлиб, уларда шоир кишилар феъл-атворидаги айрим нуқсонлар устидан ўзига хос кинояли тарзда кулади.

Сиддиқхўжа Шоший шеър яратишнинг масъулиятини яхши тушунар, унинг инсон руҳий оламидаги аҳамиятини чуқур идрок этар эди. У шоира Ойдин Ҳожиева ғазалига басталаган мухаммасида бу ҳақда шундай деб ёзади:

**Ижодкор шеър яратганда,**
**сўзида маъни рост бўлсин,**
**Замонига оҳангдошу,**
**ғазалхонига мос бўлсин,**
**Ўқиб чиққан кишиларким**
**ғам-андуҳдан халос бўлсин,**
**Агарчи шеър ёзар шоир,**
**дилида эҳтирос бўлсин,**
**Ҳаётпарварлик илми, аввало,**
**шоирга хос бўлсин.**

Ўзбек мумтоз адабиётини чин юракдан севган, улуғ устозлар йўлидан боришга аҳд қилган шоир турли шаклий изланишларга қўл урди ва ўз ҳаёт тажрибаларини сўз ҳикматлари сифатида мисраларга теришга интилди.

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**

